

1. Морфология хакида умумий маълумот.
2. Грамматик сон категорияси.
3. Эгалик категорияси.

Хозирги ўзбек тилида бўлганидек, эски ўзбек тилида хам сўз туркумларининг йирик уч гурухи кайд килинади. Булар мустакил сўзлар, ёрдамчи сўзлар ва ундовлар. Лекин бу сўз туркумларининг ички категориялари узок даврлар мобайнида ўзига хос равишда тараккий этиб келди. Профессор Ш.Шукуров бу тарихий тараккиётни уч боскичга ажратади:

Биринчи боскич. Бу боскични XIV асрнинг охиригача бўлган давр ташкил этади. Бу давр эски ўзбек адабий тилининг шаклланиш арафаси бўлиб, бу давр тилида кадимги туркий тилга оид кўпгина формалар янги формалар билан параллел кўлланиб келган хамда ёзма ёдгорликларда диалектал ходисалар кўплаб акс этган. Шунингдек, бу давр тилида бошка туркий тилларга оид бўлган сўз формалари хам истеъмолда бўлган.

Иккинчи боскич. Бу боскич XIV асрнинг охири ва XIX асрнинг 2-ярмигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда эски ўзбек адабий тили вужудга келди ва маълум даражада адабий меъёрга эга бўлди.

Учинчи боскич. XIX асрнинг 2-ярмидан бошланади. Унинг характерли хусусиятлари адабиётда демократик оқимнинг пайдо бўлиши, вактли матбуотнинг вужудга келиши, китобларнинг нашр этилиши ва шуларнинг натижасида эса адабий тил билан халк сўзлашув тилининг якинлаша боришидир. Демак, ўзбек адабий тили халк жонли сўзлашув тили хисобига бойиб борди.

От ва унинг ички категориялари.

Маълумки, от предмет ва предметлик тушунчасини ифодалайдиган сўз туркуми бўлиб, у грамматик сон, келишик ва эгалик категорияларига эга бўлади.

Грамматик сон категорияси. Эски ўзбек тилида хам хозирги ўзбек тилидагидек, бирлик сон сўз негизига мувофик келади. Кўплик эса маҳсус грамматик кўрсаткичлар билан ифодаланади. Эски ўзбек тилида кўплик маъносини куйидаги кўшимчалар ифодалаган: -лар\ -лЎр. Бу кўшимчанинг кўлланиши хозирги ўзбек тилидагидек, кенг бўлган: Ул кеннддаги кишилЎр келиб турур (КР). Ташларны тамам бу тагдын элтЎрлЎр (БН).

Бу кўшимча эски ўзбек тилида хам айрим холат ва мавхум тушунчани билдирувчи отларга кўшилганда кўпликни эмас, балки кучайтириш, таъкидлаш каби маъноларни ифодалайди: Аны! душманлары кЈп кайгулар тапты (ЎН). Ахмад Юсуф бег ызытыраблар кылыб айтадур ким... (БН).

Шу билан бирга, бу кўшимча хурмат маъносида хам кўлланган: Аталары эзгү киши эрди (Таф.). Кабрлары Балхдадур (МН).

-ат\ -Ўт. Маълумки, кадимги туркий тилда бу кўшимча -т вариантида (кыйын (азоб)- кыйыт (азоблар)) кўлланиб, кўплик ва жамлик маъноларини ифодалаган. Эски ўзбек тили ёдномаларида, хусусан, «Бобирнома»да бу кўшимча -ат\ -Ўт тарзида кўлланиб, худди шу маъноларни ифодалаган: Махаллат, бегЎт, туманат, бўлмкЎт, багат.

Шуни айтиш керакки, кадимги туркий тилда оглан, эрЎн сўзларида учрайдиган кўплик маъноси эски ўзбек тилида кўплик маъносида эмас, балки бирлик маъносида кўлланган: Йығғғызыз беглЎрм оғланларны (ШБ). ЭрЎнлЎр айтурлар (Таф.).

Маълумки, хозирги ўзбек тили лексикасида араб сўzlари маълум ўрин тутади. Бу хол

эски ўзбек адабий тилида кучлирок бўлган. Шу муносабат билан кўплик шаклида ўзлаштирилган сўзлар кўплик маъносида кўлланган: шуарә (шоирлар), улама (олимлар), салатын (султанлар). Айрим холларда бундай сўзлар бирлик маъносида ўқилиб, уларга -лар\лўр кўшимчаси кўшилаверган: Йолда ажайыблар кўрдилўр (КР). Бурунгы шуарә ва акабирлар зайлъида мазкур болгайлар (МН).

Эгалик категорияси. Предмет ва предметлик тушунчасининг нутқдаги уч шахсдан бирига тааллукли эканлигини билдирувчи кўшимчалар жами эгалик категориясини ташкил этади. Эгалик күшимчалари негизнинг тил олди ва тил орка хусусиятига хамда негизда лабланган унлиларнинг катнашишига караб, турли фонетик кўринишларда кўлланган: -м кўшимчаси. Унли билан тугаган хар кандай негизга кўшила олади: атам, Ўқўм.

-ым кўшимчаси. Ундош билан тугаган тил орка унлилари мавжуд негизларга кўшилади: Фурккаты!дын заъфарән узра тўкўрмен лалалар \ Лалалар эрмўски багрымдын эррар паргалалар (Нав.).

-им кўшимчаси. Ундош билан тугаган тил олди унлилари мавжуд негизларга кўшилади: Мехрим отын хушу сабру аклу хис йашурмады \ Мехри ламиэъ тўрт буркаъ кейнидин пынхан эмўс.

-юм кўшимчаси. Ундош билан тугаган ва тил олди унлилари катнашган негизларга күшилади: Ул лаби унабгун кўнлумгў эккўн тухмы меҳр \ Кўнлум ичрў йашурун дурданадек унаб ара.

-ум кўшимчаси. Ундош билан тугаган тил орка лабланган унлилар катнашган негизларга кўшилади: Болмадым умрумда бир дам хатыры хуррам билў \ Гар иликдин келсў бир дамни кечмрма! гам билў.

I шахс кўплиги, II шахс бирлик ва кўплигида хам юкоридаги коида ўз кучини саклайди. I шахс кўплигида эгалик кўшимчалари -мыз\ -миз,-ымыз\ -имиз, -умыз\ умиз ва -умуз\ -умуз тарзида;

II шахс кўплигида -{ыз\}-из, -ы|ыз\|-и|из,-у|ыз\|-у|из,-у|уз\|-у|уз тарзида;III шахс бирлик ва кўплигида – сы\ -си (унлилардан сўнг), -ы\ -и (ундошлардан сўнг) кўшимчалари кўшилади.

Савол ва топшириклар:

1. Тарихий морфологиянинг асосий хусусиятлари нималардан иборат?
2. Кўплик маъносини ифодаловчи морфологик шаклларни сананг. Арабча кўплик шаклидаги сўзлар лугатини тузинг.
3. Эгалик кўшимчаларининг хозирги ўзбек тилида кўлланмайдиган варианtlарига манбалардан мисол келтиринг.

Таянч тушунчалар:

Сўз туркуми – сўзларнинг лексик- грамматик хусусияти бўлиб, сўз маъноси, морфологик

категорияларга эгалиги, синтактик вазифаси жихатдан гурухланишидир.

Грамматик категория – бир тизимдаги шакл (форма)лар жами, у одатда шаклланмаган ва шаклланган сўз шаклларининг зиддиятидан (оппозициясидан) хосил бўлади.